

Мавзу: Эркин иқтисодий зоналар субъектларининг фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки.

Аннотация: Ушбу мақолада эркин иқтисодий зоналар таъкил этишининг аҳамияти, эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритувчи субъектлар мақомининг айрим ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Маълумки, ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва изчил ўсиши унинг рақобатбардошлиги билан боғлиқдир. Фақат шу йўлгина мамлакат ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлай олади.

Бугун иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, шу орқали жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш хорижий сармояларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш ҳар қандай мамлакат учун энг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган масаладир. Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек, “Фаол инвестиция сиёсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳим шarti ва манбаи бўлмоғи керак”[1]. Инвестицияларнинг иқтисодиётга кенг жалб қилиниши, ўз навбатида, саноат ишлаб чиқаришида модернизацион фаолликни оширишга имкон беради. Бу эса аҳоли турмуш даражаси сифати ошишига ижобий таъсир этади. Бунда чет эл инвестицияларининг ўрни бекиёс. Албатта, бундай вазифаларни амалга оширишда эркин иқтисодий зоналар муҳим ўрин тутади. Бу эса инновацион фаолиятни ривожлантириш, илғор технологияларни жорий қилиш, экспорт, шунингдек, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, маҳаллий маҳсулот ва хизматларнинг ички ва ташқи бозорларда халқаро сифат, сертификатлаштириш талабларини жорий этиш

орқали рақобатдошлигини ошириш, янги иш жойларини барпо этиш, малакали ишчи-муҳандислар, хўжалик ва бошқарув кадрларини тайёрлаш ва улар малакасини ошириш каби бир қатор муҳим масалаларни ҳал этиш имконини беради. Буни “Навоий” эркин иқтисодий зонаси мисолида кўрадиган бўлсак, ушбу зонада 01.01.2018 йил ҳолатига кўра жами 22 та лойиҳа амалга оширилганлиги, ушбу лойиҳаларнинг умумий суммаси 129,5 млн.долларни ташкил этиши, бу сармояларнинг 40,07 млн.долларлик қисми тўғридан тўғри инвестицияларни жалб этиш ҳисобидан эканлиги, жами у ерда 921 та иш ўринлари яратилиб, деярли мингта фуқароларнинг иш ўринлари билан таъминлаганлиги фикримизнинг яққол мисолидир [2].

Эркин иқтисодий зоналарда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари - инвестор шаклида, шунингдек, юридик шахслар ўз фаолиятини олиб борадилар. ЭИЗ инвестори — белгиланган тартибда танловдан ўтган ҳамда ЭИЗ ҳудудида инвестициялашни амалга оширадиган инвестиция фаолияти субъекти [3].

Ўзбекистон Республикасининг 1996-йил 25-апрелида қабул қилинган «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддаси “Юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқлари ҳамда манфаатларининг кафолатлари” деб номланиб, унда қуйидаги норма беллиланган: Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зона ҳудудида фаолият юритаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди.

Эркин иқтисодий зоналарда инвесторларнинг Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча кафолатлари ва имтиёзларига риоя этилиши таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан қўшимча кафолатлар ва имтиёзлар назарда тутилиши мумкин.

Давлат органлари ва бошқа органлар ёхуд мансабдор шахсларнинг юридик ва жисмоний шахслар фаолиятига асоссиз аралашуви натижасида уларга етказилган зарарнинг ўрни, шунингдек бой берилган фойда ҳамда

етказилган маънавий зиён суд тартибида қопланиши ёки компенсация қилиниши керак [4]. Бундан кўриниб турибдики, эркин иқтисодий зоналарда юридик шахслар, жисмоний шахслар ва инвесторлар субъект сифатида фаолият юритади. Улардаги меҳнат муносабатлари қонун ҳужжатлари, жамоа шартномалари (келишувлари) ва якка тартибдаги меҳнат шартномалари (контрактлари) билан тартибга солинади. Жамоа шартномалари ва якка тартибдаги меҳнат шартномалари мазкур корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг аҳволини қонун ҳужжатларида, шунингдек Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси ҳам қатнашчиси бўлган конвенцияларида назарда тутилган шартларга нисбатан ёмонлаштириши мумкин эмас.

Эркин иқтисодий зонада фаолият юритувчи субъектлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадилар. Айнан шу хусусияти уларнинг ҳам фуқаролик ҳам тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлари субъекти эканлигини очиб беради.

ЭИЗнинг ҳар бир субъекти ҳам тадбиркорлик ҳам фуқаролик муомиласида иштирок этиши мумкин. Цивилист олимлар проф.Е.А.Суханов, В.Ф.Яковлевларнинг фикрича, фуқаролик-ҳуқуқий муомала битимлар мажмуасидан иборат бўлиб, ўз иштирокчиларининг яъни мажбурият муносабатларининг товар алмашинувида иқтисодий муносабатларнинг юридик тартибда расмийлаштирилишини белгилайди ҳамда тадбиркорлик муомаласи фуқаролик муомаласининг бир қисми бўлиб, тадбиркорлик иштирокидаги муносабатлар мажмуасини ташкил этади [5].

Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик фаолиятининг ҳар бир субъекти ўз номидан ҳаракат қилиб фуқаролик –ҳуқуқий муносабатларда шартнома ва битимлар тузиш орқали иқтисодий муомилада ўз номидан иштирок этади. Ушбу ҳолатни ҳам тадбиркорлик фаолиятининг ўзига ҳос хусусияти сифатида эътироф этиш мумкин. Бинобарин, муайян фаолиятни ўзга шахснинг номидан амалга оширувчи шахсларни тадбиркорлик фаолиятининг субъекти деб эътироф этиб бўлмайди. Масалан, вакиллик орқали битим

тузилганда ёки муайян юридик ҳаракатлар амалга оширилганда вакил гарчи фойда олишга қаратилган ҳаракатни амалга оширсада, тадбиркорлик фаолиятининг субъекти ҳисобланмайди. Бироқ бу ўринда воситачилик билан шуғулланаётган шахсни тадбиркорлик фаолияти субъекти деб ҳисоблаш мумкин. Зеро воситачи фуқаролик муомиласида ўз номидан қатнашади [6].

Тадбиркорнинг ҳуқуқий маънодаги мулкӣ муносабатларининг субъекти сифатида иштирок этишини ва унда иккита бир бири билан боғлиқ тушунча борлигини ҳуқуқшунос олим Ш.Рўзиназаров куйидагича таъкидлайди: биринчидан, мулкчилик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш орқали фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатларда иштирок этишини; иккинчидан, тадбиркорлик фаолияти иқтисодӣ хўжалик фаолиятининг таркибий қисми бўлсада, қонун унинг белгиларини алоҳида ажратиб кўрсатади. Агар ҳуқуқ субъекти тадбиркорлик жисмонӣ шахс бўлса, унинг серқирра фаолиятининг (ижтимоӣ, маданий) бири бўлиб, фойда ёки даромад олиш мақсадида таваккал қилиб мулкӣ жавобгарлигини ўз зиммасига олиб, амалдаги қонун асосида ташаббускорлик билан фаолият юритишлигини билдиради. А.В.Бризгалин тадбиркорлик фаолиятининг субъекти фуқаролик муносабатларида ўз номидан иштирок этиш хусусиятини таъкидлайди. Бу белгилар орқали эркин иқтисодӣ зоналарнинг субъектлари ўзида фойда олиш мақсадини кўзлагани учун, таваккалчиликка асосланган фаолият юритиши билан ўзининг тадбиркорлик хусусиятини, уни битим ва шартномалар орқали намоён этиши ҳамда ўз ҳуқуқларини амалга ошириб, қонунӣ манфаатларини ҳимоя қилишлари унинг фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабат иштирокчиси эканлигини ёритиб беради.

Хулоса қилиб айтганда, ЭИЗларда фаолият юритувчи юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмай тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмонӣ шахслар, хусусан, инвесторлар, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг тадбиркорлик фаолияти мамлакатда олиб бораётган иқтисодӣ ислохотларни янада жадаллаштирувчи муҳим стратегик соҳалардан бири бўлиб, фуқароларнинг иш ўринлари кўпайиши,

худудларнинг инфратузилмаси ошиши, иқтисодий барқарорликни мустаҳкамловчи воситалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

- [1] Каримов И.А. Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь
- [2] Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасидан томонидан 2018 йил февраль ойида олинган маълумот.
- [3] 2017 йил 10 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 196-сонли қарори
- [4] Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни. www.lex.uz
- [5] Дойников И.В. Хозяйственное (предпринимательское) право: Учебник новый курс.-М.:Изд-во ПРИОР, 2001.-С.13
- [6] З.О.Кувандиков. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари.ю.ф.н.дис...Д 282.Самарқанд:2009.36-б.